

“РУЙХАТГА ОЛИНГАН”

М. Умарбек муамал Я.Д.М.
(руйхатдан ўтказувчи орган номи)

« 25 » 10 2017 йил



“ТАСДИҚЛАНГАН”

«GIDROMAXSUSQURILISH»
aksiyadorlik jamiyati;
2017 йил « 22 » сентабр
Умумий йиғилиши 2



«GIDROMAXSUSQURILISH»
aksiyadorlik jamiyati
УСТАВИ
(янги тахрир)

1. Жамиятнинг юридик мақоми, жавобгарлиги, фирма номи, жойлашган ери ва электрон почта манзили

1.1. Жамиятнинг давлат тилидаги тўлиқ фирма номи:

«GIDROMAXSUSQURILISH» aksiyadorlik jamiyati;

Жамиятнинг давлат тилидаги кескартирилган фирма номи:

«GIDROMAXSUSQURILISH» AJ;

Жамиятнинг рус тилидаги тўлиқ фирма номи:

Акционерное общество «ГИДРОСПЕЦСТРОЙ»;

Жамиятнинг рус тилидаги кескартирилган фирма номи:

АО «ГИДРОСПЕЦСТРОЙ»;

Жамиятнинг инглиз тилидаги тўлиқ фирма номи:

Joint-Stock Company «GIDROMAXSUSQURILISH»;

Жамиятнинг инглиз тилидаги кескартирилган фирма номи:

JSC «GIDROMAXSUSQURILISH».

1.2. Бундан буён маънада “жамият” деб аталувчи «GIDROMAXSUSQURILISH» aksiyadorlik jamiyatining жойлашган ери, юридик ва почта манзили:

Юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Сайрам кўчаси, 39А уй.

Жойлашган ери ва почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100011, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Навои кўчаси, 22 уй.

Жамиятнинг электрон почта манзили: **info@gidross.uz**

1.3. Жамият Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш Давлат қўмитасининг 2004 йил 31 мартдаги 41-к-ПО-сонли буйруғига асосан ташкил этилган ва Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманининг Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидаги ўтказиш Инспекцияси томонидан 2004 йил 18 майда № 000465-04 сон билан рўйхатга олинган.

1.4. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (06.05.2014й. ЎРҚ-370-сон) ва «Қимматли қозғалар бозори тўғрисида»ги (03.06.2016й. ЎРҚ-387) Қонуллари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб боради.

1.5. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондига (устав капиталига) берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.6. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдаги эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади.

1.7. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

1.8. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисобварақлари очишга ҳақлидир.

1.9. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалок муҳрга эга бўлиши лозим. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

1.10. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тиёсалига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

1.11. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

1.12. Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

1.13. Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийمатининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

1.14. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

1.15. Агар жамиятнинг банкротлиги жамият учун мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядор сифатида иш юритаётган шахснинг гайриқонуний ҳаракатлари туфайли юзага келган бўлса, жамиятнинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда, мазкур акциядорнинг зиммасига жамиятнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин. Акциядор мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига ушбу уставда бу ҳуқуқ назарда тутилган тақдирдагина эга бўлади.

1.16. Жамият учун мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядор жамият муайян ҳаракатни амалга ошириши оқибатида банкрот бўлишини олдиндан била туриб, ушбу ҳуқуқидан жамият томонидан шундай ҳаракат амалга оширилиши учун фойдаланган тақдирдагина жамиятнинг банкротлиги акциядорнинг ҳаракатлари туфайли юзага келган деб ҳисобланади.

1.17. Давлат ва унинг органлари жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек жамият ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

1.18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 майдаги ПФ-5044-сонли “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони ва 2017 йил 18 майдаги ПҚ-2972-сонли “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти фаолиятини ташкиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти ташкил этилиши муносабати билан «GIDROMAXSUSQURILISH» aksiyadorlik jamiyati “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти структураси таркибига киритилган.

2. Жамият фаолиятининг соҳаси (асосий йўналишлари) ва мақсади

2.1. Жамиятни ташкил этишнинг асосий мақсади — даромад олиш.

2.2. Жамиятнинг асосий фаолияти гидротехник иншоотларини куриш, очик тоғ ва ерости ишларни амалга ошириш ҳисобланади.

2.3. Ўз фаолиятининг мақсадларига эришиш учун жамият ҳуйидаги фаолият турларини амалга оширади:

- 1) турли кесимларда ер ости қовланган жойларни куриш;
- 2) карьер ва автотўдларда очик бургилаш-портлаштиш ишлари, тупроқни юмшатиш, контурли портлатиш ишларини қўллаган ҳолда котлованлардаги маҳсул ишлар;
- 3) маҳсул гидротехник ишлар (инъекцион ва цементацион пардалар; мустаҳкамловчи, майдонли цементация; бўшлиқларни ёғини ва қуришни чокларини цементлаш) ва бошқалар;
- 4) грунтни қимёвий мустаҳкамлаш;
- 5) бетонли иншоотларни созлаш (бетонни цементлаш усули билан янгиллаш, торқрет, сачратма-бетон);
- 6) баланд иншоотларни (баландлиги 130 м гача бўлган градирен) куриш;
- 7) кудукларни бургилаш ва уларни 300 м гача чуқурликка сувга жойлаштириш;
- 8) энерготизим ва сув хўжалиги корхоналари, бошқа корхоналар, шунингдек бошқа шахсларга икки томонлама фойда асосида ташки иктисодий фаолият хизматларини кўрсатиш;
- 9) янги хорижий технологияларни жорий килиш;
- 10) «Ўзбекгидроэнерго» АЖ корхоналари ва барча мулкчилик шаклидаги бошқа ташкилотларга тузилган шартномалар асосида моддий-техник ресурслар, асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар ва бошқа товарларни тақдим этиш;
- 11) қурилиш, монтаж, созлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш ишларини ташкил этиш;
- 12) лойиха-конструкторлик ва илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш ва ўтказиш;
- 13) сан'ат-тадбиркорлик, ижтимоий ва маданий-манший йўналишидаги бинолар ва иншоотларни лойихалаштириш, куриш, созлаш ва эксплуатация килиш;
- 14) илгор технологиялар ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш;
- 15) илмий-техник, конструкторлик, лойихавий ишланмаларни жорий этиш ва ишлаб чиқариш, уларни ишлаб чиқариш ва жорий этишда техник ёрдам кўрсатиш;
- 16) илмий-тадқиқот, кидирув, лойихавий, экспериментал ишларни ўтказиш;
- 17) қурилиш материаллари ва конструкцияларни ишлаб чиқариш;
- 18) юридик ва жисмоний шахсларга ишлаб чиқариш ва манший характердаги хизматларни кўрсатиш;
- 19) ижара фаолиятини амалга ошириш, қўчар ва қўчмас мулкни ижарага бериш;
- 20) улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш;
- 21) халқ хўжалиги ва техник ишлаб чиқариш йўналишидаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва

сотиш;

22) ваколатларнинг пудрати, ижараси, зём, фьючерс, комиссия, саклаш, ўтказиш ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига зид бўлмаган битим ва шартномалар асосида саноат, техник, комиссия, траст, лизинг, инжинирингга оид хизматлар (ишлар)ни кўрсатиш;

23) белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

24) туннеллар ва кўприклар қуриш.

2.4. Жамият Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шугулланиш ҳуқуқига эга.

2.5. Давлат буюртмалари, хусусан «Ўзбекгидроэнерго» АЖ буюртмалари биринчи навбат тартибда бажаришга қабул қилинади.

2.6. Жамият махсус рұхсатнома (лицензия) талаб қиладиган фаолиятни амалга ошириш учун тегишли махсус рұхсатнома (лицензия) олинганидан сўнг ушбу фаолиятни амалга оширишга ҳақли.

3. Жамият устав фондиниң (устав капиталининг) миқдори

3.1. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташқил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланadi. Жамият томонидан чиқариладиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши керак.

3.2. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) жамият мол-мулкнининг жамият кредиторлари манфаатларини қафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.

3.3. Жамият оддий акцияларни жойлаштириши шарт, шунингдек имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақли. Жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати жамият устав фондиниң (устав капиталининг) йигирма фонддан ошмаслиги керак.

3.4. Жамият Устав жамгармасининг миқдори 1 875 043 200 (бир миллиард саккиз юз етмиш беш миллион кўрк уч миң икки юз) сўми ташқил қиладиган ҳамда номинал қиймати 1384 (бир миңг уч юз саксон тўрт) сўм бўлган 1 354 800 (бир миллион уч юз элик тўрт миңг саккиз юз) дона акцияларга, шундан 1 320 800 (бир миллион уч юз йигирма миңг саккиз юз) дона эгаси ёзилган оддий ва 34 000 (ўттиз тўрт миңг) дона эгаси ёзилган имтиёзли акцияларга бўлинган.

4. Жамият акцияларининг сони, номинал қиймати, турлари

4.1. Жамият томонидан 1 320 800 (бир миллион уч юз йигирма миңг саккиз юз) дона эгаси ёзилган оддий ва 34 000 (ўттиз тўрт миңг) дона эгаси ёзилган имтиёзли акциялар чиқарилган ва жойлаштирилган.

4.2. Жамият устав фондини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акцияларининг сони 1 320 800 (бир миллион уч юз йигирма миңг саккиз юз) дона эгаси ёзилган оддий ва 34 000 (ўттиз тўрт миңг) дона эгаси ёзилган имтиёзли акциялардан иборат.

4.3. Жамият акцияларининг номинал қиймати 1384 (бир миңг уч саксон тўрт) сўм.

5. Жамиятнинг устав фондиди (устав капиталиди) кўпайтириш ва камайтириш

5.1. Жамиятнинг Устав фонди қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

5.2. Қўшимча акциялар мазкур уставда белгиланган эълон қилинган акцияларнинг сони доирасидагина жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

5.3. Жамиятнинг устав фондиди (устав капиталиди) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қарорлар жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

5.4. Жамиятнинг устав фондиди (устав капиталиди) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча боддий акцияларнинг ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.

5.5. Жамиятнинг устав фондиди (устав капиталиди) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдоридан рўйхатдан ўтказилади. Бунда мазкур уставда кўрсатилган эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони, ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига кискартрилиши керак.

Жамиятнинг устав фондиди (устав капиталиди) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

5.6. Жамиятнинг устав капиталиди кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

5.7. Жамиятнинг устав фондиди (устав капиталиди) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, жамиятнинг ўз капиталиди ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

5.8. Жамиятнинг устав фондиди (устав капиталиди) унинг ўз капиталиди ҳисобидан қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтиришда бу акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айни ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Жамиятнинг устав фонди (устав капиталиди) кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, жамиятнинг устав фондиди (устав капиталиди) кўпайтиришга йўл кўйилмайди.

5.9. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) парчи жамият кузатув кенгаши томонидан қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келадиган нархлар конъюктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

5.10. Жамият акцияларни ва акцияларга айирбонланадиган қимматли қоғозларни очик ва ёпиқ

обуна воситасида, биржа ва биржадан ташқари бозорларда қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда жойлаштиришга ҳақли.

5.11. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга. Акциядор, шу жумладан акциядорларнинг умумий йиғилишида қарин овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

5.12. Жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан мулквий ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади. Жамиятни қўшимча акциялари ва бошқа қимматли қоғозларига ҳақ тўлаш тартиби уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган кўйилади.

5.13. Жамиятнинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичида ҳақ тўлашни лозим.

5.14. Агар жамиятнинг пулдан ўзга воситалар билан ҳақи тўланаётган акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг номинал қиймати қонуни ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан кўпни ташкил этса, жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг ҳақи сифатида киритилаётган мол-мулкнинг пулда ифодаланган баҳоси баҳоловчи ташкилот томонидан чиқарилиши зарур.

5.15. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартирish йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

5.16. Жамият устав фондиди (устав капиталини) камайтиришга, агар бунинг натижасида унинг миқдори жамият устав фондидининг (устав капиталининг) жамият уставидаги тегишли ўзгартиришларини давлат рўйхатидан ўтказиш савасида аниқланадиган, Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 17-моддасида белгиланган энг кам миқдордан камайиб кетса, ҳақли эмас.

5.17. Жамиятнинг устав фондиди (устав капиталини) камайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

5.18. Жамиятнинг устав фондиди (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондиди (устав капиталини) камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

5.19. Жамият устав фондиди (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қилади. Кредиторлар жамиятнинг устав фондиди (устав капиталини) камайтириш тўғрисида ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бақаришини ва устав фонди (устав капитали) камайтирилиши билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплашини талаб қилишга ҳақли.

6. Жамиятнинг корпоратив облигациялари ва бошқа қимматли қоғозлари

- 6.1. Жамият корпоратив облигацияларини ва бошқа қимматли қоғозларини чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли.
- 6.2. Жамиятнинг корпоратив облигациялари жамият акцияларига айирбошланадиган қимматли қоғозлар бўлиши мумкин.
- 6.3. Жамият мол-мулк билан таъминланган корпоратив облигацияларини уларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш санасидаги ўз капитални миқдори доирасида чиқаришга ҳақли.
- 6.4. Жамият томонидан корпоратив облигацияларини чиқариш, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларини чиқариш жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра амалга оширилади.
- 6.5. Жамият томонидан жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигациялар чиқарилган тақдирда, мазкур қарор жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши керак.

7. Жамиятнинг фонди

- 7.1. Жамият устав фондининг (устав капиталининг) ўн беш фонди миқдорига захира фонди ташкил этилади.
- 7.2. Жамиятнинг захира фонди мазкур уставда белгиланган миқдорга етунига қадар соф фойдани ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади. Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори мазкур уставда белгиланган миқдорга етунига қадар соф фойданинг беш фондидан кам бўлмаслиги керак.
- 7.3. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг захира фонди жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.
- 7.4. Жамиятнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.
- 7.5. Агар захира фонди тўлиқ ёки қисман сарфланса, мажбурий ажратмалар ўтказиш тикланади.
- 7.6. Жамият қонунчилиқда белгиланган тартибда бошқа фонdlарни ташкил этиш ҳуқуқига эга.

8. Дивидендларни тўлаш

- 8.1. Жамият маоиявий йилнинг биринчи чораги, Ярим йиллиги, тўккиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) маоиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.
- 8.2. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтинчи кундан кеч бўлмаслиги лозим.
- 8.3. Дивидендларни тўлаш чоғида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича қатъий белгиланган дивидендларни тўлаш учун етарли миқдорда фойда мавжуд бўлган тақдирда жамият мазкур акцияларнинг эгаларига дивидендлар тўлашни рад этишга ҳақли эмас. Жамият рад этган тақдирда акциядорлар дивидендлар тўлашининг суд тартибиде талаб қилиши мумкин. Жамият етарли миқдорда фойдага эга бўлмаган ёки зарар кўриб ниҳоятган тақдирда, имтиёзли акциялар бўйича

дивидендлар жамият томонидан жамиятнинг фақат шу мақсад учун ташкил этилган захира фонди ҳисобидан ва ушбу фонд доирасида тўланиши мумкин.

8.4. Жамиятнинг имтиёзлари акциялари бўйича акцияларнинг номинал қийматидан 20 (йигирма) фоиз миқдорда дивидендлар тўланади.

8.5. Жамият тугатилаётганда имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган қиймат (тугатилиш қиймати) имтиёзли акцияларнинг номинал қийматининг 125 фоизни ташкил қилади.

8.6. Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 37 моддасида назарда тутилган ҳолларда имтиёзли акцияларни жамият томонидан сотиб олиш имтиёзли акциялар номинал қийматининг 125 фоизига тенг нарх бўйича амалга оширилади.

9. Жамият бошқарув органлари, уларни шакллантириш тартиби ва ваколатлари

9.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органи (Бош директор) жамиятнинг бошқарув органларидир.

9.2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

9.3. Акциядорларнинг умумий йиғилишини жамият кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

9.4. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

9.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши маъия йили тугатанидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида жамиятнинг кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, жамиятнинг яққабшчилик асосидаги ижроия органи (Бош директор) билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек қонун ҳужжатлари ва мазкур уставга мувофиқ жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.

9.6. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

9.7. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаи ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

9.8. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар қиради:

1) жамиятнинг бизнес-режаси кўрсаткичлари бажарилиши, шунингдек, ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўриладиган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

2) жамиятни қайта ташкил этиш;

3) жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний

туғатиш балансларини тасдиқлаш;

4) жамият кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

5) жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш;

6) ўз акцияларини олиш;

7) жамиятнинг Бош директорни сайлаш (тайинлаш) ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Шунингдек жамият кузатув кенгаши жамиятнинг Бош директори билан тузилган шартномани, агар у жамият уставини қўқол тарзда бузса ёки унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга;

8) жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги илҳомни тасдиқлаш;

9) жамиятнинг йиллик ҳисоботини, бизнес-режаси ва ривожлантириш стратегиясига ўришиш бўйича чора-тадбирларни белгилаш;

10) жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

11) жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шў жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;

12) имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 35-моддасида назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

13) акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

14) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

15) жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг-аққори миқдорларини белгилаш;

16) Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 8-бобига мувофиқ жамият томонидан баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортигини ташкил этувчи мол-мулк ҳусусида йирик битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

17) Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 9-бобига мувофиқ жамиятнинг аффилиланган шахси билан битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

18) маъқур жамият уставига ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

9.9. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

9.10. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари акциядорлар эътиборига:

- акциядорлар умумий йиғилиши тугаганидан сўнг эълон қилиш;

- акциядорлар умумий йиғилиш баённомаси тузилган санадан икки иш куни давомида муҳим факт тўғрисидаги маълумотларни ошқор қилиш йўллари билан етказилади.

Агар жамият акциялари фонд биржасининг листингига киритилган бўлса жамият фонд биржасининг расмий веб-сайтида тегишли ахборотни эълон қилиши шарт.

9.11. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгаллик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин ўттиз кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

9.12. Акциядорлар (акциядор) жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

Кузатув кенгаши

9.13. Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади.

9.14. Жамият кузатув кенгашининг вазифалар доирасига қуйидагилар кирилади:

- 1) жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- 2) акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни 65-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно;
- 3) акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- 4) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмайдиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- 5) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларнинг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- 6) Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;
- 7) мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- 8) корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;
- 9) жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқуллашни лозим;
- 10) ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда

унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

11) жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эриш фойдаланиши ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат максатларида фойдаланиши мумкин;

12) аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларида тўланадиган хажмнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

13) жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

14) дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

15) жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

16) жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

17) жамиятнинг шўба ва тобе ҳужжатик жамиятларини ташкил этиш;

18) Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 8-бобига мувофиқ балане қиймати ёки олинган қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиниётган санада жамият соф активлари миқдорининг 5% беш фондидан элик фондиғачасини ташкил этувчи мол-мулк ҳусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш. Қарор жамият кузатув кенгашининг аъзолари томонидан қабул қилинади, буида кузатув кенгашидан чиқиб кетган аъзоларнинг овози инобатга олинмайди. Йирик битим тузиш масаласи бўйича жамият кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала кузатув кенгашининг қарорига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқилиши мумкин;

19) Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 9-бобига мувофиқ жамиятнинг аффилиланган шакли билан битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

20) жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

21) жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

22) жамиятнинг устав капитални кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини қанайтарини билан боғлиқ ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

23) қимматли қогозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор (акциялар, облигациялар) ва шунинг билан қарорасини тасдиқлаш;

24) қимматли қогозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга (акциялар, облигациялар) ва шунинг билан қарорасини ўзгартаришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш ва уларнинг матнини тасдиқлаш;

25) Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 34-моддасига мувофиқ акцияларни қойлаштириш (қимматли қогозларини биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) шартини белгилаш;

26) жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

27) қимматли қогозларнинг ҳосилдорлигини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш.

9.15. Жамият қузатув кенгашининг ваколат доирасига Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни ва мазкур уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал қилиш ҳам қиритилиши мумкин.

9.16. Жамият қузатув кенгашининг ваколат доирасига қиритилган масалалар ҳал қилиш учун жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

9.17. Жамият қузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади. Жамият қузатув кенгашининг сон таркиби 5 кишидан иборат.

9.18. Жамиятнинг қузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

9.19. Жамият директори жамиятнинг қузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

9.20. Айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар жамиятнинг қузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

9.21. Жамиятнинг қузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар мазкур уставда ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган қарорда белгилаб қўйилиши мумкин.

9.22. Жамиятнинг қузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

9.23. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг қузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига қўпайтирилади ва акциядор шу тариха олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

9.24. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар жамият қузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

9.25. Жамият қузатув кенгашининг раиси қузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан қузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

9.26. Жамиятнинг қузатув кенгаши ўз раисини қузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

9.27. Жамият қузатув кенгашининг раиси унинг ишнинг ташкил этади, қузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

9.28. Жамият қузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини қузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

9.29. Жамият қузатув кенгашининг мажлислари унинг Раиси томонидан ҳар чоракда бир марта чақирилади. Бундан ташқари, Жамият Қузатув кенгашининг мажлислари Қузатув кенгаш Раисининг ташаббуси билан ёки қуйидагилар талабига қура чақирилади:

- Қузатув кенгаш аъзоларининг;

- Тафтиш комиссиясининг;

- Жамият Бош директорининг;
- Жамият 1 (бир) фондан кам бўлмаган оддий акциялари эгаларининг;
- Конунчиликда ва мазкур Уставада курсатилган бошқа ҳолларда.

9.30. Жамият кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камидан бир марта чакирилади.

9.31. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум жамият кузатув кенгашига сайланган аъзоларининг етмиш беш фонидан кам бўлмаслиги керак.

9.32. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони мазкур уставада назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фонидан кам бўлган тақдирда, жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек жамият Бош директорининг вазолатлари муддатидан келари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

9.33. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисида ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, агар мазкур уставада ва конунчиликда ўлғачи жонда назарда тутилмаган бўлса.

9.34. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

9.35. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл кўйилмайди.

9.36. Жамият кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаш аъзоларининг овози тенг бўлган ҳолларда ҳал қилувчи овозга эга.

9.37. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
- мажлисида ҳозир бўлган шахслар;
- мажлисининг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш натижалари;
- қабул қилинган қарорлар.

Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисида иштирок қилган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси туғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

9.38. Жамият кузатув кенгашининг қарорлари енгидан овоз бериш йўли билан (сўреш йўли билан) жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

9.39. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган кунни жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чакириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот жамиятнинг ижроия органига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган кунни топширилади.

Ижроия органи

9.40. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш яккабошчилик асосидаги ижроия органи (Бош директор) томонидан амалга оширилади.

9.41. Жамият Бош директори акциядорлар умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади (тайинланади).

9.42. Жамият Бош директорининг ваколатига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

9.43. Жамиятнинг Бош директори акциядорлар умумий йиғилишининг ва жамият кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этди.

9.44. Жамият Бош директорининг ваколатлари (ҳуқуқлари):

- 1) жамият номидан ишончномасиз иш юритиш;
- 2) жамиятнинг манфаатларини яққолаш;
- 3) жамият номидан ўз ваколатлари доирасида битимлар тузиш;
- 4) жамиятнинг филиали таркибида бўлинмасини ташкил этиш;
- 5) жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбари ва бош бухгалтер, ҳамда бўлинмалар бошлигини тайинлаш;
- 6) штатларни тасдиқлаш, жамиятнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;
- 7) қонун ҳужжатлари, мазкур устав, меҳнат шартномаси ва жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларида белгиланган бошқа ваколатлар (ҳуқуқлар).

9.45. Жамият Бош директорининг мажбуриятлари:

- 1) жамиятнинг кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва жамият аудитори талабига қўри қонунчиликда белгиланган тартибда жамият ҳужжатларини тақдим этиш;
- 2) жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш;
- 3) дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг ҳуқуқларига риоя қилиш;
- 4) ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашга таъминлаш;
- 5) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ҳамда жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш;
- 6) қонун ҳужжатлари, мазкур устав, меҳнат шартномаси ва жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбуриятлар.

9.46. Жамият Бош директорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларида, жамиятнинг мазкур уставига ва у билан бир йил муддатга тузилган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йилги қарор қабул қилинади. Шартнома жамият номидан жамият кузатув кенгашининг раъси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Жамият Бош директори билан тузилган шартномада унинг жамият фаолияти самардорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги нозасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даражаси назарда тутилиши керак.

9.47. Жамиятнинг Бош директорига тўланадиган ҳақ миқдори жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак.

9.48. Жамиятнинг Бош директори вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат жамият кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

9.49. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг Бош директори билан тузилган шартномани у шартнома шартларини бузган тақдирда тугатишга (бекор қилишга) ҳақли.

9.50. Жамият кузатув кенгаши жамиятнинг директори билан тузилган шартномани, агар у жамият уставини кўпол тарзда бузса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятта зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

9.51. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки жамият кузатув кенгаши томонидан жамият директорининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, жамият директори ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йиғилишнинг ўзида ҳал этилиши ёхуд жамият директори вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаган ҳолда акциядорларнинг яқин орадаги умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун қолдирилиши мумкин.

10. Жамиятнинг фаолиятини назорат қилиш

10.1. Жамиятнинг молия-ҳўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга 3 аъзодан иборат тафтиш комиссияси сайланади.

10.2. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларига донр малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айни бир шахс айни бир жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

10.3. Жамият тафтиш комиссиясининг ваколат доираси қонун ҳужжатлари ва жамиятнинг қонун уставини билан белгиланади.

10.4. Жамият тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра жамият ижроия органида қанчалар ишлаб турган шахслар жамиятнинг молия-ҳўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этиши шарт.

10.5. Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият кузатув кенгашининг аъзоли бўлиши, шунингдек айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаган ҳолда бўлиши мумкин эмас.

10.6. Жамиятнинг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, жамият кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки жамият оқибатларида акцияларнинг қамда беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бундан ортиқ ишдаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

10.7. Жамиятнинг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра жамиятнинг тафтиш комиссияси ҳулоса тутади, бу ҳулосада:

- жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига донр баҳо;

- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартибни бузганлиги, шунингдек молия-ҳўжалик фаолияти амалга ошириляётганда қонун ҳужжатлари бузганлиги.

факлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

10.8. Тафтиш комиссияси жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки бирок битимлар мавжудлиги, шунингдек қонуи ҳужжатларининг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда жамият кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади. Ушбу уставнинг 10.7. бандида кўрсатилган ахборотни ўз ичига олган хулоса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

10.9. Активларининг баланси қиймати энг кам иш хақи миқдорининг юз минг баробаридан кўра бўлган жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

10.10. Активларининг баланси қиймати мазкур уставнинг 10.9. бандида белгиланган миқдордан кам бўлган тақдирда ҳам жамият кузатув кенгашининг ҳарорига асосан ички аудит хизмати ташкил этилиши мумкин.

10.11. Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонуи ҳужжатларига, жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳисоб ва ишончли тарзда акс эттирилиши таъминлавишини, ҳужжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қондалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сакланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонуи ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди. Шунингдек ички аудит хизмати 50 фоиздан зиёд улуши Жамиятта тегишли бўлган юридик шахслар билан утқазилган операциялар устидан назоратни амалга оширади.

10.12. Аудиторлик ташкилоти жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонуи ҳужжатларда белгиланган тартибда жамият молия-ҳужжалик фаолиятининг текширилишини амалга ошириш ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.

10.13. Аудиторлик ташкилоти жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилгандаги шартномада етказилган зарар учун жамият олдида жавобгар бўлади.

10.14. Зарур бўлган ҳолларда жамият кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган ва корпоратив акция ҳужжатларида риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи жамият корпоратив маслаҳатчиси лавозими жорий этилиши мумкин.

10.15. Жамият корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти жамият кузатув кенгаши томонидан таъликланган низоми асосида амалга оширилади.

10.16. Миноритар акционерларнинг ҳуқуқларини ва Қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жамиятнинг ўзида миноритар акционерлари ташкил топса булади. Қўмиттага номзодлар ва таклифлар ўз муддатида ва тартиб бўйича жамият томонидан қўзатув кенгашига таълим қилинади. Миноритар акционерларнинг аъзоларини танлаишида, акциядорлар, умумий йиғилишида иштирок этаётганлар акционерларнинг, қайсики ўз номлодини қўйишга ифтихор кенгашининг номзодлари қўйилмаган бўлса.

Миноритар акциядорлари тарқибига Бош директор, жамият бошқарув аъзолари, қўзатув кенгашига сайланган ва тафтиш комиссияси аъзолари қира олмайд.

10.17. Миноритар акциядорлари ваколатига қуйидагилар қиради:

- йирик битимлар ва аффили шахслар билан тузилган битимларни тайёрлашда шартномалар

умумий йигилиши еки жамиятнинг кўзатув кенгашига таклифларни куриб чиқишга;

- миноритар акциядорларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлар ҳимоя қилиш билан боғлиқ қароржаатларни куриб чиқиш;
- миноритар акциядорларининг қимматли қогозларни тартибга солиш буйича ва ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш буйича давлат органига мурожаат қилиш;
- қонун ва мазкур устав буйича бошқа масалалар куриб чиқиш;
- миноритар акциядорлар қарорлари оддий қўпчилик овоз билан қабул қилинади. Миноритар акциядорлари мажлислари иштирок этганлар сони унинг сонининг учдан тўрт қисми иштирок этсагина ҳақиқий ҳисобланади;
- миноритар акциядорлари таркибий сони 5 кишидан иборат;
- қабул қилган қарорлари буйича миноритар акциядорлар қўмитаси ҳар йили акционерлар умумий йигилишида ҳисобот таъширади;
- Миноритар акциядорлар қўмитаси Райси қўпчилик овоз билан ўз таркибидан сайланади;
- Миноритар акциядорлар қўмитаси Райси миноритар акциядорлар ваколатига қирган барча саволлар буйича жамият ҳужжатларига ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга;
- Миноритар акциядорлар фаолияти қимматли қогозларни тартибга солиш буйича давлат органи томонидан таълиқланади;
- Миноритар акциядорлар қўмитаси Жамиятнинг ҳўжалик бошқарувига аралашинишига ҳақли эмас. Миноритар акциядорлар қўмитаси бошқарувига кўзатув кенгаши ва ижроия органи аралашинишига ҳақли эмас.

11. Ясуний қондалар

- 11.1. Устав бўйича келиб чиқадиган барча визо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишувини йўли билан амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.
- 11.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имқонияти бўлмаган ҳолларда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.
- 11.3. Жамият акциядорларининг умумий йигилиши ва ўт ваколатлари доирасида қўзатув кенгаши томонидан мазкур уставга киритилмадиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг тегишли давлат органида белгиланган тартибда рўйхатга олинади ва шу вақтдан бошлаб қўчга қиради.
- 11.4. Агар мазкур уставни бирон бир қоидади ўз қучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қондаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.
- 11.5. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида мазкур уставда назарда тутилганидан бошқача қондалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари қондалари қўлланилади.
- 11.6. Мазкур уставда тартибга солилмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан тартибга солинади.

Бош директор



К.Ш.Фатимайева

Yamat
Birodini paxaxpisen
BO "Birikonax sasqurilish"
Diposled y pozuygnobren
Bene y mentax

